

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ

**817** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майдаги ПҚ–3012-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майдаги ПҚ–3012-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2016 — 2020 йилларга гидроэнергетикани ривожлантириш дастури тўғрисида» 2015 йил 16 ноябрдаги 331-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И. Ибрагимов, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 8 август,  
605-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 8 августдаги 605-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 августдаги 238-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 32-сон, 433-модда) билан тасдиқланган Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланидиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги низом 8-бандининг ўн биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 — 2019 йилларда иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2015 йил 5 майдаги ПҚ–2343-сон қарорининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Энергияни тежовчи лампаларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 20 октябрдаги 299-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 — 2019 йилларда иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2015 йил 5 майдаги ПҚ–2343-сон қарорининг 6-бандига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майдаги ПҚ–3012-сон қарорининг 10-бандига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларига биогаз қурилмалари қуришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 25 ноябрдаги 343-сон қарори 1-бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«биогаз қурилмаларидан (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ) фойдаланувчи ташкилотларга, шунингдек биогаз қурилмалари ишлаб чиқаришга ихтисослашадиган ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 — 2019 йилларда иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2015 йил 5 майдаги ПҚ–2343-сон қарорининг 5-банди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майдаги ПҚ–3012-сон қарорининг 10-банди татбиқ этилиши».